

«Ишнинг боши Ислондир. Унинг умуртқа поғонаси намоздир. Унинг ўрқачининг чўққиси эса жиҳоддир, – дедилар. Сўнгра дедилар: – Сенга ўшаларнинг ҳаммасига молик бўлган нарсанинг хабарини берайми?»

«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. Бас, у зот тилларини ушлаб:

«Мана буни тийгин!» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Набийси, биз гапирган нарсамиз учун ҳам (иқобга) олинамизми?» дедим мен.

«Онанинг азанни тутсин, эй Муъоз. Одамларни тилларининг маҳсули дўзахга юзтубан (ёки тумшуқлари ила) туширмаса, нима туширар эди!» дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: «Тилдан кўра қамокда туришга ҳожатлироқ нарса йўқ», деган.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтади: «Кам сўзла, кўп тингла. Оз гапириб, кўп эшитишинг учун сенга битта оғиз, иккита қулоқ берилган».

Мухаллад ибн Ҳусайн: «Эллик йилдан бери узр айтишга сабаб бўладиган бирор оғиз сўз айтмадим», деган экан.

«Руҳий тарбия» китобидан